



Фракция йиғилиши



Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлашда партия депутатлик корпуси олдида турган вазифалар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси ва партия Сиёсий Кенгашининг навбатдаги қўшма йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳалари юзасидан

АНИҚ ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Видеоконференц-алоқа шаклида ўтказилган қўшма йиғилишда Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзолари ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари вакиллари, оммавий ах-

борот воситалари ходимлари иштирок этди.

Эътироф этилганидек, 2021 йилга мўлжалланган Давлат дастури лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамаси асосида халқимизнинг фикри, таклифлари билан такомиллаштирилиб, давлатимиз раҳбарининг парламентга йўллаган Мурожаатномасида қайд этилган

долзарб муаммоларни ҳал этишнинг аниқ йўллари ва механизмлари белгилаб берилгани билан аҳамиятлидир. Шунингдек, 2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиздаги сиёсий партиялар раҳбарлари билан ўтказган очик мулоқотида билдирилган кенг қамровли таклиф-тавсиялардан келиб чиқиб,

партиянинг жамият сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш, халқимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги иштирокини кучайтириш билан боғлиқ энг муҳим ва долзарб масалалар ҳусусида атрофлича фикр юритилди.

Тадбир

ЁШЛАР — ёрқин келажак тарафдори

Партиянинг “Ёш адолатчилар” қаноти ташаббуси билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида “Биз, ёшлар — коррупциясиз келажак тарафдоримиз” мавзусида тадбир ташкил этилди.

Тадбирда партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг масъуллари, партия Марказий аппарати ходимлари, Жаҳон

иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатида таъкидлан-



ганидек, коррупция жамиятимиз ривожининг қушандасидир. Шу боис унга нисбатан муро-сасиз курашиш лозим.

Коррупция ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг чуқурлашишига сабаб бўлади. Агар тизгинланмаса, у тараққиёт йўлида қилинаётган барча ислохотларга катта тўсиқдир. Қолаверса, коррупция даражасининг ор-

тиши мамлакатнинг халқаро миқёсдаги обрўсини туширади, инвестициявий муҳитга салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизimini яратиш, унга қарши курашишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш

ва бу борада ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат органини ташкил қилиш борасида тегишли таклифлар ишлаб чиқилиб, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Бош прокуратурага тақдим этилди.

Бугуннинг гапи

Одобни одобсиздан ўрган...

ЎҚИТУВЧИНИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

Яқиндагина кенг жамоатчилик ўртасида замонавий блогер тили билан айтганда “хайп”га айланган мавзу — Булунгурда тарбияланувчисини урган боғча мудирасини ҳаммамиз муҳокама қилгандик, фикримизни билдиргандик. Кўпчилигимиз тахмин қилганимиздек, мудира ишдан бўшатиладигани. Шу билан гўёки, масала ҳал бўлганди.

Куни кеча яна бир видеотасвирга кўзимиз тушди. Бир она чамаси 5-6-синфларда ўқийдиган қизини мактабга етаклаб келиб, “Ўқитувчилар хонаси”да ёшгина бир ўқитувчининг шунақа таъзирини бердики...

Кўриб, ҳар қандай кишининг газаби кўзгаиди.

Онанинг оғзидан ади кириб, бади чиқаётгани, ўқитувчига қўл кўтариб, орада ҳатто эркак киши тилга олишга уяладиган сўзлар билан ўқитувчини ҳақоратлагани, энг ёмони, ана шу “то-

моша” ўқувчи қизнинг кўз ўнгидеа содир бўлаётганини кўриб, очиги, тарбия, таълим, маънавият ҳақида ёзилаётган мақола-ю асарлар, амалга оширилаётган ислохотлар кутилган самара бермаётганига ҳафсаласи пир бўлиб кетаркан кишининг.

Буюк файласуф бобомиз Абу Ҳамид Ғаззолий таъбири билан айтганда, “Бола қалби пок, нозик, содда ва ҳар қандай нақш ва суратдан холи гавҳардир. Унга қандай нақш солинса, шунга кўра шаклланади, эгган томонга эгилади. Агар бола яхшилиқка ўрганиб, яхшилиқ ичида вояга етса, дунё ва охират саодатини топади. Албатта, бу савобга унинг ота-онаси, муаллими ва унга тарбия берган ҳар бир киши шерикдир...”

Аслида фарзанд тарбиясидек нозик мавзуда ақл ўргатиш ниятимиз йўқ. Ле-

кин ўқитувчига қўл кўтарган, ўқитувчини ҳақоратлаган онанинг қизи кўнглида қандай “нақш” пайдо бўлди экан? Уша лаҳзаларда у онасидан шаллақилик, беобрўлик “фан”идан содда олимпиаданик? Келажакда бу қизалоқ ким бўлиб улғаяди?..

Ҳурматли Халқ таълими вазири ва мутасаддилари, мактаблар раҳбарлари! Сизлар бу масалага қандай қарайсизлар, билмадик. Лекин бир нарсани ҳақиқат — ўқитувчилар, тарбиячилар, устозларни айрим ота-оналарнинг бемаъни хуружларидан, ҳақоратларидан ҳимоя қилиш, уларнинг талаблари асосида таълим-тарбия билан шугулланаётган фидойи шахсларга “Ҳайфсан бериш”, ишдан бўшатил ва бошқа жазолаш ишларига барҳам бериш вақти келди. Ўқитувчини — миллатнинг тарбиячисини, илм аҳлини ваколатингиз доирасида ҳимояга олиш заруратга айланди. Акс ҳолда, келгусида юртни ҳам, миллатни ҳам қадрламайдиган, устозларнинг фидойи хизматларини эътироф этмайдиган янги бир худбин, тарбиясиз ёшларнинг шаклланишига йўл очиб бериб, афсус чекмайллик!

Муҳаббат ҲАМРОЕВА, журналист, “Сукунат тугёнлари” телелойиҳаси муаллифи

Муносабат

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ

ЯХЛИТ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНМОҚДА

Президентимизнинг парламент ва халққа Мурожаати мамлакатимиз фуқароларининг конституцион ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шу жиҳатда олиб қараганда, 2021 йил Давлат дастурида мўлжалланган тадбирлар Мурожаатномадаги вазифаларни изчил ва кенг кўламда амалга оширишга йўналтирилганлиги билан эътиборга молик.

Дарвоқе, қайд этиб ўтиш жоиз, мазкур дастур ишлаб чиқилишида фуқароларимиз фаол қатнашдилар. Январ ойи давомида дастур лойиҳаси аҳоли орасида муҳокамалардан ўтказилиб, 2 мингдан ортиқ таклифлар олинди ва уларни саралаш жараёнида дастур янада бойитилди, таъбир жоиз бўлса, халқчиллаштирилди. Бу эса давлат бошқарувида халқимизнинг фаол қатнашувидан далолат беради ҳамда бундай ёндашув давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини тасдиқлайди.



Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Нурафшон шаҳрида партия ташкил этилганининг 26 йиллиги муносабати билан “Биз 26 ёшдамиз!” байрам тадбири бўлиб ўтди.

Контрафакт маҳсулотлар



ДАВЛАТГА ҲАМ, ХАЛҚҚА ҲАМ ЗИЁН



Қонун лойиҳалари юзасидан АНИҚ ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

1-БЕТ

Йиғилишда таъкидланганидек, фракция аъзолари томонидан Давлат дастури лойиҳасини шакллантириш ва муҳокамага қўйилган дастур лойиҳасининг мукамаллигини таъминлаш мақсадидан 100 га яқин асослангирилган таклифлар берилди. Уларнинг аксарияти Давлат дастурига киритилди. Хусусан, пандемия шароитида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини давом эттириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож талабаларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий адолат таъминлини таъминлаш, талаб юқори бўлган касблар бўйича иқтидорли мутахассисларни нуфузли хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда тайёрлашни самарадорлигини тубдан такомиллаштиришга қаратилган таклифлар шулар жумласидандир.

Фракция аъзолари ушбу дастурий ҳужжатни қўллаб-қувватлаган ҳолда, унинг ҳар бир банди ва йўналиши ижросини таъминлашда парламент ва сиёсий партиялар зиммасига катта масъулият юкланишини таъкидлашди.

Давлат дастури доирасида ишлаб чиқилиши белгиланган қонун лойиҳалари, жумладан, Ўзбекистон “Адолат” СДП сайловли мақсадларига мос равишда кам таъминланган ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларга бепул юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этишни назарда тутувчи “Бепул юридик ёрдам тўғрисида”ги, маҳаллий ижро ва вакиллик органлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда партия фракцияси аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаол иштирок этиши зарурлиги қайд этилди. Ушбу жараёнда аҳолининг кенг



қатлами, мутахассислар, экспертлар ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокида муҳокамалар ўтказиб, уларнинг таклифлари асосида қонун лойиҳаларини такомиллаштириш лозимлиги белгиланди.

— Давлат дастурида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш билан боғлиқ вазифалар, халқимизнинг саломатлигини сақлашга доир аниқ чора-тадбирлар белгилангани биз, “Адолат” СДП аъзолари ва фаоллари учун муҳим аҳамият касб этади, — деди фракция аъзоси Елена БОРИСОВА. — Хусусан, 2021 йил 1 июлдан бошлаб “ҳамширалик иши” билан мустақил шуғулланиш учун ўрта тиббиёт мутахассисларига ўзини ўзи банд қилиш асосида рухсат берилиши кўзда тутилгани тиббиёт ходимларини ўзининг асосий электорати сифатида эътироф этадиган “Адолат”чиларнинг мақсадига мос тушди. Бундай имконият, зарурат туғилганда, маҳалларда кекса ёки ёш болали оилаларга ўзларига яқинроқ манзилда истиқомат қилаётган ҳамшираларни шошилинч равишда ёрдамга қақирувчиларни, шунингдек, қонуний асосда қўшимча даромадга эга бўладиган ўрта тиббиёт ходимларини қувонтиради, албатта. Сайловчилар билан учрашувларда аҳолининг бу борадаги фикрлари бунга яққол мисол бўла олади. Айни пайтда, фракция аъзолари ташаббуси билан “Фуқароларнинг солиқини сақлаш тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимча киритилишини назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши лозим. Боиси, мазкур қонунда тиббий фаолият тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан амалга оширилиши мумкинлиги қайд этилган. Шундан келиб чиқиб, яқин истиқболда ўзини ўзи банд қилувчи ўрта тиббиёт ходимларига “ҳамширалик иши” билан мустақил шуғулланишга рухсат берили-

шини қонунларимизда ҳам мустаҳкамлаб қўйишимиз лозим.

Йиғилишда сўз олганлар Давлат дастуридаги вазифаларнинг ижросини назорат қилиш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш, уларнинг ечими бўйича таклифлар бериш бўйича парламент, партия ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатларининг ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, сайловчилар билан учрашувларда кейинги йилларда қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар ҳақида аҳолининг ҳақдорлигини ошириш борасида самарали механизмларни ишлаб чиқиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Йиғилиш доирасида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлашда Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси олдига турган аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Шундан сўнг фракция аъзолари кун тартибидagi бошқа

масалаларни муҳокама қилишди. Хусусан, депутатлар томонидан Олий Махлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2020 йилдаги фаолиятига оид ҳисоботи тингланди.

Ҳисоботида таъкидланганидек, 2020 йилда Омбудсман фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб, унинг ваколатлари кенгайтирилди, Омбудсман ҳузурида қийноқларнинг олдини олиш бўйича Миллий превентив механизм йўлга қўйилди. Бу орқали жазони ижро этиш муассасаларида, тергов ҳибсхоналари ва бошқа ёпиқ муассасаларда инсон ҳуқуқларининг таъминланиши бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Депутатлар 2020 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон миллий давлатчилиги тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органларидан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланганини алоҳида таъкидлаб, бу мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни таъминланаётганлигининг халқаро эътирофи сифатида баҳоладди. Шунингдек, бундай хайрли ишларни давом эттиришда Омбудсманнинг ҳам ўрни бўлиши зарурлиги қайд

этилди. Бундан ташқари, депутатлар Омбудсманнинг парламентга тақдим этадиган ҳисоботи мuddати, шакли ва моҳиятини қайта қўриб чиқиш лозимлигини таъкидлаб, ҳисоботдан Омбудсман томонидан киритилган тақдимнома ва даъволарга нисбатан ташкилот ва идораларнинг муносабати хусусидаги таҳлилий маълумотлар ҳам ўрин олиши кераклиги юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Фракция аъзолари Омбудсман фаолиятининг таъсирчанлигини ошириш, унинг ваколат ва ҳуқуқларини янада кенгайтириш ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида, ижтимоий тармоқларда очик муҳокама қилинаётган ҳуқуқбузарликлар, воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабат билдиришда, ушбу масалалар юзасидан тегишли давлат ташкилотларига сўровлар юборишда фаоллик кўрсатилиши юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар беришди.

Шунингдек, йиғилишда “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилишга доир қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳуж-

жатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг асосий фаолиятини фуқароларга қўмак беришга йўналтириш ҳамда коррупцияга имкон берадиган омилларни бартараф этиш чораларини кўриш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси йўл-транспорт ҳодисаларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими иштирокида ижтимоий равишда йўл-транспорт ҳодисаси ҳақидаги билдиришнома тузиш орқали расмийлаштириш механизми жорий этилишини назарда тутди.

— ЎЗРМЖТКнинг 21²-моддасига йўл-транспорт ҳодисаси ҳақидаги билдиришномани расмийлаштириш муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод этишга оид норма қўшимча сифатида киритилиши кўзда тутилган. Айни пайтда Кодекснинг 133- ва 134-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича йўл-транспорт ҳодисаси ҳақидаги билдиришнома танжароҳати етказиш билан боғлиқ бўлса, йўл-транспорт ҳодисасида транспорт воситалари ҳайдовчиларидан бошқа шахслар иштирок этган бўлса ёки ҳодисада иккитадан ортиқ транспорт воситаси иштирок этган бўлса ёхуд жабрланувчига етказилган моддий зарар миқдори суғурта суммасынинг 35 фоизидан ошган деб ҳисобланса, қолаверса, йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчиларининг бирида ҳайдовчилик гуноҳи воқеаси, ишончнома, йўл варақаси бўлмаса ёки мuddати ўтган бўлса, билдиришнома расмийлаштиришга йўл қўйилмаслиги режалаштирилмоқда, — деди фракция аъзоси Иномжон КУДРАТОВ. — Кези келганда яна бир муҳим масалага эътибор қаратиш лозим, яъни мазкур кодекснинг 21-моддасида ҳуқуқбузарлиқнинг кам аҳамиятлилиги сабабли маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақида сўз боради, ammo ҳуқуқбузарлиқнинг кам аҳамиятлилигини айнан қайси ташкилот ёки идора белгилashi очикланмаганиги фуқароларда ҳақли савол уйғотиши мумкин. Шу боис мавжуд қонунчилигимиздаги бўшлиқларни тўлдириш, мазкур қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга ҳисса қўишимиз лозим.

Йиғилишда “Психиатрия



Қадрли партиядошлар!

Сиз азизларни Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ташкил этилганлигининг 26 йиллиги билан самимий табриклайман.

Бугунги кунда Ўзбекистон “Адолат” СДП ўз сафига минглаб аъзоларни бirlаштириб мамлакат сиёсий майдонида ўз мавқеига эга, сиёсий куч сифатида танилди. Партия демократик, ижтимоий йўналтирилган ва бозор иқтисодиётига асосланган кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳамда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун оидида тенглиги, бирдамлиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминланган маънавий жипслашган жамиятнинг шакллантиришда фаол иштирок этмоқда.

Айниқса, партияимизнинг мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ўз ўрнини эгаллаш, дунёдаги илмий-технологик ва ҳуқуқ талаблари асосида ўзаро манфаатли алоқаларини ривожлантириш йўлидаги савий-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ.

Партияимизнинг туғилган кунини таъминлашнинг бугунги обрў-эътиборига сабабчи бўлаётган партияимиз аъзоларини чин дилдан муборакбод этаман.

Азиз дўстлар!

Барчамизга байрам муборак бўлсин!

Гавҳар АЛИМОВА,
Каттақўрғон шаҳар ҳокими, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси аъзоси, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати, сенатор.

1-БЕТ

Унда партия Сиёсий Кенгаши раҳбарияти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси, вилоят, туман-шаҳар кенгаши депутатлари, фахрийлар, “Ёшлар парламенти” аъзолари, партиянинг “Аёллар қаноти”, “Ёш адолатчилар” қаноти Кенгашлари фаоллари, ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбирнинг биринчи қисмида партия фаолиятида амалга оширилган ишларга эътибор қаратилди.

Тадбирни халқ депутатлари Нурафшон шаҳар Кенгаши депутати, партия фахрийси Жўра Аҳмедкулов кириш сўзи билан очиб берди.

Унда партиянинг ўтган йиллар давомида амалга оширган ишлари тўғрисида сўз юритилди. Шунингдек, қўлга киритилган ютуқларга, албатта, партия фахрийлари, фаолларининг фидойилиги, тинимсиз меҳнатлари тўғрисида эътибор қаратилди.



Даврон АҲМАД олган сурат

қратик давлат, кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий-иқтисодий барқарор турмуш тарзини шакллантириш каби долзарб жараёнларда ўз ролини кўйатириши мақсад қилиб қўйган.

Бундан 26 йил аввал, яъни 1995 йилнинг 18 февралда пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг таъсис курултойида Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, республикада демократияни ривожлантириш, ҳуқуқий давлат қуриш жараёнларини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш мақсади билан партия ташаббуси билан амалга оширилган ишлар, келгусида амалга оширилиш лозим бўлган устувор вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Сиёсий майдонга ижтимоий адолат қояси билан кириб келиб, мамлакатимиздаги барча ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда фаол иштирок этиб келаётган “Адолат” СДП ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилувчи жипслашган куч сифатида олдинга интилиб бормоқда. Партия ҳар доим ҳуқуқий демо-

Осиёда ягона социал-демократик йўналишдаги сиёсий партия бўлди. Ўзбекистон “Адолат” СДП сиёсий майдонга чиққан илк кунларданок ижтимоий адолат қояси тамойилини илгари суриб, мамлакатда амалга оширилаётган барча ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда фаол иштирок этиб келаётганини, аҳолининг турли ижтимоий қатламлари манфаатларини ифодаловчи жипслашган куч сифатида ўзини кўрсата олганини таъкидлаб ўтмоқ керак.

Таъсис этилган йили 3400 кишини ташкил этган партияимиз аъзолари сони ҳозирда 450 минг нафардан охиб кетди. Сўзга чиққан партия аъзолари ва хайрихоҳлари аҳоли ўртасида социал-демократия мафкура-сини тарғиб қилиш, унинг ушбу янги партия ўша вақтда нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий

ошириб келинаётганини таъкидлаб ўтдилар.

“Адолат” СДП аҳоли орасида нафақат қонун устуворлиги ва адолатнинг тарғиб қилувчи, балки социал-демократияни мустаҳкамловчи сиёсий куч сифатида ҳам танилмоқда. Аҳамиятли жиҳати, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари каби Тошкент вилоятида ҳам сўнгги йилларда партия тарафдорлари сони сезиларли даражада ортди. Боиси, вилоятда партия ғоя ва мақсадларини, лойиҳаларини жойларда кенг тарғиб этиш, аҳолининг турли қатламларига чуқурроқ кириб бориш, халқ орасида танилувчанлиги ва нуфузи юксалишида партия фаоллари самарали меҳнат қилиб келишмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, бугун партия аъзолари сони 450 минг нафардан зиёд, шундан 10 фоизи, яъни 40 минг нафарга яқин

аъзолар Тошкент вилояти аҳолиси ҳисобланади. Ундан 12 минг 449 нафари 30 ёшгача бўлган, 13 минг 914 нафари аёллар, БПТ лар сони эса 410 тани ташкил этади. Партияимиз аъзолари кўп миллатли: унинг сафларида ўзбеклар билан бир қаторда тожик, туркман, қозоқ, қорейс, рус, татар, қоракалпоқ ҳамда бошқа миллат ва элат вакиллари ҳам бор.

Бўлиб ўтган сайлов натижаларига кўра, жами 81 нафар депутатнинг 11 нафари вилоят депутатларидир, уларнинг 40 фоизини аёллар ташкил этади.

Давлатимиз раҳбарининг “Қайси партияга мансублигидан қатъи назар, барча юрtdошларимизни бирлаштирадиган ягона ва муштарак мақсад – бу жонажон

Ўзбекистонимиз, унинг буюк келажигидир. Айни шу мақсад ҳаммамизни она юртимизга садоқат билан хизмат қилишга даъват этади” деган сўзлари нақадар ҳаққоний эканлиги бугун ўз ибботини топмоқда.

Партия аъзолари ва хайрихоҳларини файзли дастурхон атрофига жамлаган анжуман давомида партиянинг фахрий аъзолари ва энг фаол “адолат”чиларга миннатдорлик билдирилиб, вилоят Кенгашининг ташаккурномаси ҳамда эсдалик совғалари топишрилди. Халқимиз севган санъаткорларнинг кўй-қўшиқлари барчага бирдек кўтаринки кайфият бағишлади.

Фотима САТТОРОВА,
Тошкент вилоят кенгаши матбуот хизмати

Шунингдек, “Адолат” СДП ташкил этилганлигининг 26 йиллигига бағишланган тадбирлар барча ҳудудий Кенгашларда ҳам бўлиб ўтди.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ

ЯХЛИТ ТИЗИМИ ШАКЛЛАШМОҚДА



Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ
масалалари ва коррупцияга қарши
курашиш қўмитаси раиси

қаролиги бўлмаган шахслар томонидан истак билдирилган тақдирда, **Ўзбекистон фуқароси деб тан олиш** тартиби жорий қилинди.

Эслатиб ўтамиз, 2016 йилдан буён Президент фармонлари билан жами 42 минг 439 та шундай шахс Ватанимиз фуқаролигини олди. Мазкур тартиб жорий этилиши натижасида **20 мингга яқин** шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилиши кутилмоқда. Умуман, бундан кейин юртимизда 15 йил доимий равишда яшagan шахслар фуқаролигини олиш ҳуқуқига автоматик равишда сазовор бўлади. Бу эса неча йиллар давомида муаммо бўлган масаланинг ечимидир.

Шунингдек, Дастурда яна бир оғриқли муаммо — жазони ўташ муассасаларидаги фуқароларни қийноққа солиш ва уларга нисбатан ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, 2021 йилдан бошлаб Омбудсман томонидан **хар чорақда** жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларида **“мониторинг ташрифлари”** йўлга қўйилади. Дарвоқе, ушбу превентив механизм қонунда белгиланган бўлиб, 2020 йил давомида 70 га яқин ташрифлар амалга оширилган. Лекин бу етарли натижа бергани йўқ. Шунинг учун ҳар чорақда жамоатчилик билан биргаликда мониторинг ташрифлари амалга оширилиши айтиш мумкин бўлди.

Яна бир муҳим янгилик, жазони ўтаётган фуқароларга жазони енгириги билан алмаштириш ёки шартли озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш муассасаларидан **инсонпарварлик комиссияларига ўтказилади**, бу ҳам адолат қарор топишида муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, олтита манзил-қолония қисқартирилиб, жазони ўтаётган шахслар қатъий тузалиш йўлига ўтишини таъминлашда проба (синов) хизматининг роли оширилади. Халқаро амалиётда ҳам бундай хизмат озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг ижро этилишини таъминлаш ва назоратини олиб бориш билан шугулланади. Яъни, суд ҳукми ёки ажрими билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар томонидан жазонинг ижро этилишини таъминлайди.

Президент қарори билан пробация бўлинмаларига ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш бўйича фаолиятини бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда самарали ташкил этиш топширилган.

Шу ўринда статистикага эътибор берсак. 2020 йил давомида Олий Мажлис Сенатига келган 14 мингдан ортиқ мурожаатларнинг 40 фоизи қўмитамизга тегишли бўлиб, уларнинг 1/3 қисми жазони ўташ жойларидаги муаммолар билан боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Ҳаммамизга аёнки, республика-

мизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бироқ коррупция деган иллатни илдириш билан қуритиш учун аёвсиз кураш бир лаҳза ҳам тўхтамаслиги шарт. Шу боис ҳам Давлат дастуридан коррупцияга қарши курашишни янада кучайтиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар ўрин олган. Чунончи, **2021 йил 1 июнгача** коррупцияга қарши курашиш бўйича **2021–2025 йилларга мўлжалланган миллий стратегия** ишлаб чиқилади. Бунда халқаро тажрибага таянилади, албатта. Шунингдек, **очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар** рўйхати кенгайтирилади, жумладан, тендер ва танлов комиссияларининг таркиби, давлат активларининг олди-сотди ва давлат-хусусий шериклик лойиҳалари жараёнлари иштирокчилари очиқ эълон қилинади. Яъни, Дастурда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги таъминланса, кенг жамоатчилик ундан хабардор бўлсагина коррупциянинг олдини олиш мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳам “Янги Ўзбекистон — очиқ Ўзбекистон” таъминлиги тўлиқ амал қилган ҳолда Давлат дастурида тааллуқли йўналишлар бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган Ҳаракатлар дастурини қабул қилиб, ижросини таъминлашни белгилаб олди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида юртимизда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди ва унда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ишлар, Маънавият ва маърифат маркази фаолиятини такомиллаштириш, умуман, маънавият соҳаси танқидий-таҳлилий руҳда қайта кўриб чиқилди.

МАЪНАВИЯТ устун бўлса, ИҚТИСОД ривожланади

Видеоселектор йиғилишида жорий йилдан бошлаб, маънавият ва маърифат соҳаси ихтисосликларини фанлар классификаторига киритиш, бу йўналиш бўйича етук кадрлар тайёрлаш юзасидан берилган топшириқлар миллий гуруҳининг янада кўтариб юборди. Негаки, унинг алоҳида фан сифатида ўқитилиш юксак маънавиятлик халқни қамол топтиришда, тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Айни вақтда бутун дунёда ҳукм сураётган кескин глобаллашув, рақобат, манфаатлар тўқнашуви миллий ўзлик ва маънавий қадриятларни миллатга, халққа, ёш авлодга чуқур сингдириш заруратини тақозо этмоқда. Бундай кунда бепарволик ва лоқайдликка асло йўл қўймаслик даркор. Бунинг учун эса Президентимиз таъкидлаганидек, нурунийлар тарбияси, жамоатчилик назоратини янада кучайтириш лозим.

Дарҳақиқат, халқаро майдонда ғоявий курашлар кучайиб бораётган бир пайтда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни мафкуравий майдонда ғоявий хуружлардан ҳимоя қилиш, ён атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш долзарб масаладир.

Шунингдек, мамлакатимиз мустақиллиги, оёсийшталлигига хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси маънавият соҳасидаги ишларни жиддий назоратга олишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда халқ фаровонлигини ошириш, иқтисодиётни ривожлантириш, янги Ўзбекистонни янгича таъминлаш билан барпо этиш йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. “Янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор таъминоти асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждоқларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”, деди Президентимиз.

Йиғилишда “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”, деган фикр алоҳида таъкидланди. Шу маънода, тана ҳеч қачон руҳсиз бир бутун бўлолмаганидек, маънавиятсиз, таълим-тарбиясиз ҳам иқтисодий ривожланишга эришиб бўлмайди. Мустақил, теран фикрга эга, юксак эътиқоди бор миллатгина эзгулик, тараққиёт йўлида ғоялари муштарак ҳолда ривожлана олади. Маънавияти юксак халқнинг фарзандларини ҳеч қандай ёт ғоя ўз домига торта олмайди.

Сардорбек ҲАМРАЕВ,
Термиз давлат университетининг 1-курс магистранти

ЁШЛАР — ёрқин келажак тарафдори

Шунингдек, қурилиш соҳасидаги коррупция ҳолатига барҳам бериш ишлари ҳақида батафсил маълумот олиш мақсадида партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Қўрилиш вазирлиги иштирокида парламент эшитуви ташкил қилинган қайд этилди. Соҳа фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида коррупциянинг юзга келишига сабаб бўлиши мумкин бўлган нормаларни бартараф қилиш бўйича тақлифлар тайёрлангани ҳақида ахборот берилди.



Маърузачилар томонидан бугунги кунда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, уларнинг фаоллиги, жамиятдаги ўрнини ошириш, ҳар қандай ишга масъулият билан ёндашган ҳолда салбий иллатларга қарши қатъий курашиш лозимлиги таъкидланди. Коррупцияга қарши курашишда, аввало, ёшларнинг онгини юксалтириш лозимлигига аҳамият қаратилди.

Ортимизда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали коррупцияга қарши курашишнинг бир қатор манзилли ва самарали йўналишлари белгилаб берилган, хусусан, виллоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг таркибида коррупцияга қарши курашиш комиссиясини ташкил этиш тавсия қилинди. Бу билан коррупцияга қарши курашиш учун марказдаги раҳбарлар билан бирга энг қўйи тизимдаги раҳбарларга ҳам масъулият оширилади. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламаганликлари ва тегишли баҳо бермаганликлари, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлари такроран содир этиш ҳолатларига йўл қўйганликлари юзасидан шахсан жавобгар бўлишлари белгиланди.

Тадбирда коррупцияга қарши курашиш бўйича партия позицияси қайта кўриб чиқилиб, янги чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Гулиносо САИДОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Марказий
аппарати бўлим мудири

Кеча ва бугун

Кейинги кунларда ижтимоий тармоқларда Тошкентдаги Марказий универмаг ёнида барпо этиладиган «Истиқлол» мажмуаси атрофида гап-сўзлар, таъна-дашномлар кўпайиб кетди. Аслида мажмуа бино-иншоот эмас, ёдгорлик (стелла) шаклида қурилиши мўлжалланган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ўзбек давлатчилигининг 3000 йиллик сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий, маънавий тарихи ҳамда ўтган 30 йил, айниқса, Янги Ўзбекистонни қуриш босқичини ўзида қамраб олган жараёнларни гавдалантирувчи “Истиқлол” мажмуасининг концепция лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мажмуани барпо этиш жойи сифатида Шароф Рашидов, Исроҳим Каримов ва Афросиёб кўчалари оралиғида, Марказий универмаг (ЦУМ) қаршисидаги ҳудуд танланган. Мажмуада тарихан мамлакатимиз ривож ва мустақамланишида ўзининг улкан ҳиссасини қўшган буюк аждоқларимиз, миллий қаҳрамонларимиз, жумладан, моддий маданият дурдоналари, буюк давлат ва ҳарбий арбоблар, атоқли аёллар, илм-фан ва маданият арбоблари, озодлик кураши етакчилари ҳамда оламшумул тарихий воқеалар акс этади. Афсуски, ижтимоий тармоқларда ҳам, ҳоким билан учрашувда ҳам озгизга кучи етмаган айрим кимсалар “дахлатлар кесилармиш”, “табиатга қирон келтирилмоқда” қабилидаги бўҳтонларни тарқатишди.

13 февраль куни Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев жамоатчилик билан учрашганида, улар эътирозига сабаб бўлаётган Марказий универмаг олдидаги яшил ҳудудда мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган мажмуа қурилишида бирорта ҳам дахлат кесилмаслигига қафолат берди. Пойтахт ҳокими кўпчилигининг олдида, жамоатчилик вакиллари ва давлат идоралари ходимлари қаршисида берган ваъдасида туришига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Бу ҳақда сайтлар ва бошқа ОАВларда маълумотлар берилди.

Бироқ учрашувда қатнашган баъзи юртдошларимизнинг жараёнга бўлган муносабати, Ўзбекистоннинг 30 йиллик байрами нишонла-нишига, бу байрамга атаб

Ягона Ўзбекистон ФУҚАРОЛАРИМИЗ



вишади. Ватани учун жонини фидо қилишга тайёр улар. Мана шуни ҳақиқий фуқаролик жамияти дейиш мумкин! Бу таъминли нафақат АҚШда, балки кичикроқ ва нисбатан ривожланмаган, давлатларнинг аксариятида мавжуд.

Истиқлолимизнинг ўттиз йиллик байрамини нишонлаш тимсоли сифатида ўрнатилиши режалаштирилган ёдгорликка бундай қаршилиқни қандай тушуниш мумкин? Қийинчиликлар ҳар қаерда, ҳар доим бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади! Юқорида эсланган энг бадавлат ва ривожланган давлатда аҳолининг 34 миллиони қашшоқ, уйсиз, оч-наҳор. Яратганга шукр, Ўзбекистонда ҳеч ким оч қолаётгани йўқ. Бунёдорлик авжига. Бир эсга олайлик. “Тошкент сити” ўрнида қинғир-қийиш, пана-пасткам кўчалар жойлашган, айрим жойлари ахлатга тўлиб тошмаган эдимиз? “Фарғона йўли” кўчасида аёллар турмаси шаҳар кўркамга доғ бўлиб тушмаганими? Йўллар тор, кечаси одам юргани кўрқарди. Ахир кейинги уч-тўрт йил ичида биз юқорида тилга олган барча манзиллар обод масканга айланган ҳам бор гап-ку. Шундай экан биз нега тирноқ остидан кир қидиряпмиз?!

Аслида «қизил империя»дан мустақил Ўзбекистонга ҳам улкан ва оғир муаммолар мерос бўлиб ўтган мумкин! Бу таъминли нафақат АҚШда, балки кичикроқ ва нисбатан ривожланмаган, давлатларнинг аксариятида мавжуд.

Истиқлолимизнинг ўттиз йиллик байрамини нишонлаш тимсоли сифатида ўрнатилиши режалаштирилган ёдгорликка бундай қаршилиқни қандай тушуниш мумкин? Қийинчиликлар ҳар қаерда, ҳар доим бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади! Юқорида эсланган энг бадавлат ва ривожланган давлатда аҳолининг 34 миллиони қашшоқ, уйсиз, оч-наҳор. Яратганга шукр, Ўзбекистонда ҳеч ким оч қолаётгани йўқ. Бунёдорлик авжига. Бир эсга олайлик. “Тошкент сити” ўрнида қинғир-қийиш, пана-пасткам кўчалар жойлашган, айрим жойлари ахлатга тўлиб тошмаган эдимиз? “Фарғона йўли” кўчасида аёллар турмаси шаҳар кўркамга доғ бўлиб тушмаганими? Йўллар тор, кечаси одам юргани кўрқарди. Ахир кейинги уч-тўрт йил ичида биз юқорида тилга олган барча манзиллар обод масканга айланган ҳам бор гап-ку. Шундай экан биз нега тирноқ остидан кир қидиряпмиз?!

лим-тарбия соҳасига жиддий эътибор берилгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон халқаро ҳам-жамиятнинг тўлақонли, обрў-эътиборли, келажиги буюк аъзосига айланди. Истиқлол йилларида халқимиз ҳаётининг турли соҳаларида тўпланган бой ва ноёб тажриба бугун дунёда катта қизиқиш билан ўрганилаётгани, мамлакатимиз пойтахти ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, илм-фан, спорт ва бошқа муҳим йўналишларда жаҳоннинг расман эътироф этилган марказларидан бирига айлангани ҳам фикримизга далил бўла олади. Бундан хавотирга тушиш, “пашшадан фил ясаш”, бўлмағур сафсаталарни тарқатиш ярамайди. 130 дан ортиқ миллат ва элат вакили истиқомат қилаётган, 16 та диний конфессия фаолият юритаётган Ўзбекистон бағрикенглик, миллатлараро тотувлик сиёсатини давом эттирмоқда.

Бундай мисоллар ҳаётимизда кўп учрайди. Энг муҳими, биз ягона Ўзбекистон давлати фуқаролари сифатида бир ёқадан бош чиқаришимиз, Ватанимиз тараққиёт йўлида жипслашишимиз керак.

Ташпўлат МАТИБАЕВ,
халқ депутатлари
Тошкент шаҳар
Кенгаши раиси
ўринбосари



Балиқчилик озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда балиқчилик соҳасини янада ривожлантириш тўғрисида Президент Ш.Мирзиёев томонидан 2017-2018 йилларда бир қатор қарорлар қабул қилингани бежиз эмас.

БАЛИҚЧИЛИК

банк томонидан қўллаб-қувватланмоқда

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майда “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарорига асосан балиқ етиштиришнинг илмий асосланган усуллари ва интенсив технологияларини жорий этиш мақсадида “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси ташкил этилди.

Мазкур қарорга асосан, “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банкининг масъулияти чекланган жамият шаклидаги инвестиция компанияси ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқулланди. Шунингдек, ушбу банкка худудий “Балиқсаноат” МЧЖларнинг устав жамғармасыни шакллантириш, балиқчилик тармоғидаги таъкилотларнинг айланма маблағларини тўлдирish ва кўпайтиришга ҳисса қўшиш, балиқчилик тармоғидаги лойиҳаларни молиялаштириш орқали балиқчиликни ривожлантириш дастурларининг амалга оширилишида худудий “Балиқсаноат” МЧЖларга кўмаклашиш ҳамда маслаҳат, ахборот-таҳлил ва маркетинг хизматлари кўрсатиш вазифалари юклатилди.

Яқинда “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки мазкур қарорда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижроси ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида республикада фаолият юритаётган марказий газета ҳамда телеканаллар вакиллари иштирокида Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, “Арганчи” ҚФЙ худудида жойлашган “Yangi Oltin Baliq” МЧЖ қорхонасига медиа-тур ташкил этди.

— Қорхонамиз 2012 йилда ташкил топган бўлиб, узок вақтлар етарлича маблаг ва салоҳиятли мутахассисларимиз бўлмагани сабабли эски, ўзини оқламайдиган, самарадорлиги паст бўлган технологиялардан фойдаланишимизга тўғри келганди, — дейди “Yangi Oltin Baliq” МЧЖ раҳбари Умид Жабборов. —

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 6 ноябрдаги “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарорида балиқчилик ҳўжаликларини босқичма-босқич интенсив усулга ўтказиш белгиланган бўлиб, бизни янгилаш ишларига ундади. Шундан сўнг балиқ етиштиришнинг экстенсив усулидан воз кечиб, ярим интенсив ва интенсив технологияларни қўллашга қарор қилдик. Бу лойиҳамиз “Ипотека-банк” Тошкент вилояти филиали томонидан қўллаб-қувватланди. Натижада 2020 йил охирида умумий қиймати 5,8 миллиард сўмлик лойиҳани амалга ошириш мақсадида банкдан 3 миллиард сўмлик кредит олишга муваффақ бўлдик. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги бозор-

диган вақтлар ўтиб кетди. Хитой технологияси асосида ҳавзаларни маълум даражада кичиклаштириб, азэраторлар ўрнатиш ўртача махсулдорлигини 15-20 центнердан 65-70 центнерга кўтариш имконини беради. Шу каби усуллар билан қорхона ҳавзаларида зорабалиқ, дўнгпешона, амур сингари балиқларни ярим интенсив технологияси асосида етиштириш йўлга қўйилган. Кези келганда таъкидлаш лозим, мутахассислар бир киши йил давомида ўртача 14 килограмм балиқ ва балиқ махсулотлари истеъмол қилишини тавсия этади. Чунки бу неъмат таркибида инсон саломатлиги учун зарур кўплаб фойдали моддалар мавжуд бўлиб, унинг ўрнини қоплашнинг муқобили йўқ.

“Қорхона томонидан Юқори Чирчиқ туманидаги 18,6 гектар майдонда балиқчилик лойиҳаси амалга оширилган бўлиб, шундан 2 гектарлик сунъий сув ҳавзаларида интенсив усулдаги ресурс тежамкор технологиялар ишга туширилди. 2020 йилда қорхона қарийб 100 тонна балиқ ва балиқ махсулотларини ишлаб чиқарган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткични 300 тоннага етказиш кўзда тутилган.”

ларда қорхонамизга қарашли жами 19 та савдо шохбчаси ишлаб турибди.

Қорхона томонидан Юқори Чирчиқ туманидаги 18,6 гектар майдонда балиқчилик лойиҳаси амалга оширилган бўлиб, шундан 2 гектарлик сунъий сув ҳавзаларида интенсив усулдаги ресурс тежамкор технологиялар ишга туширилди. 2020 йилда қорхона қарийб 100 тонна балиқ ва балиқ махсулотларини ишлаб чиқарган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткични 300 тоннага етказиш кўзда тутилган.

Қорхона раҳбари таъкидлаганидек, ҳавзага балиқ чавоқларини ташлаб, табиий ҳолда ривожланишини кутиб ўтира-

Тиббий мутахассислар эътирофига, бош мия фаолияти, организмдаги моддалар алмашинуви жараёнини яхшилашда, юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ҳамда эндокрин хасталиклари профилактикасида балиқ махсулотига тенг келадигани топилмади. Айниқса, болалар ҳар ҳафтада 2 марта балиқли таом истеъмол қилишлари зарур. У қариес, соч тўкилиши каби хасталиклардан асрайди. Бундан ташқари, кўзни равшанлаштиради, хотирани мустаҳкамлай-



Xizmatlar litsenziyalangan